


# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

## СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

### Тошкент вилояти қурилиш-пудрат ишлар умумий ҳажми

#### 2018 йил январ-июл учун


2018 йилнинг январ-июл оyi давомида Тошкент вилоятида бажарилган қурилиш пудрат ишлари ҳажми 1095,2 млрд.сўм миқдорида баҳоланди ва мос равишда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 107,7 фоизни ташкил этди.



Тошкент вилоятида йирик корхоналар томонидан 285,2 млрд. сўмлик қурилиш ва пудрат ишлари бажарилиб ўтган йилга нисбатан 169,9 фоизга ошди. Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан 475,4 млрд. сўмлик қурилиш ва пудрат ишлари бажарилиб ўтган йилга нисбатан 107,3 фоизга ошди. Норасмий сектор томонидан 334,6 млрд. сўмлик қурилиш ва пудрат ишлари бажарилди ва жами бажарилиб ўтган йилга нисбатан 81,5 фоизга ошди.

Қурилиш ва пудрат ишлари таркибий тузилиши бўйича йирик корхоналар ҳиссасига 26%, кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига 43%, норасмий сектор ҳиссасига эса 31% улушдан тўғри келди.

### Қурилиш ва пудрат ишларининг таркибий кўриниши



Тошкент вилоятида йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ва пудрат ишларининг 263,9 млрд.сўми ёки 92,5 фоизи, кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ва пудрат ишларининг 277,5 млрд.сўми ёки 58,3 фоизи, норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ва пудрат ишларининг 313,7 млрд.сўми ёки 93,7 фоизи янги қурилиш ишларига тўғри келди.

*Инвестиция ва қурилиш  
статистика бўлими*